# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2013 йил — Обод турмуш йили

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz 2013-YIL 29-OKTABR, SESHANBA, 130 (8211)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




**Наманган туманидаги “Тошбулоқ-Текс” қўшма корхонасида пахта толасидан юқори сифатли калава-ип тайёрланмоқда. Бу ерда йилига 3600 тонна пахта толасини қайта ишлаш имконияти мавжуд. Эътиборли жиҳати, корхонада тайёрланаётган жаҳон стандартларига мос, рақобатбардош калава-ипларнинг асосий қисми экспортга йўналтирилмоқда.**

2



**Носирхон Тўрақулов хўжаликдан ижарага олган уч гектар лалми ерга мевали дарахт кўчатларини эккан йилда қатор ораларидан 150 тонна полиз маҳсулоти, икки ярим тонна кунжут йиғиб олди. Боғ ҳосилга кирган йили 110 тонна мева, икки ярим тонна узум йиғиб олинди. Бу юртимиз тараққиёт йилларининг ўтиш даврида аҳолини узлуксиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда хусусий мулкнинг, фермерлик ҳаракатининг яхши самаралар бера бошлаганига яққол мисолдир.**

3



**Польшанинг Вроцлав шаҳрида ўтказилган оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионатида терма жамоамиз аъзоси Руслан Нуриддинов учта олтин медални қўлга киритиб, ўзбекистонлик оғир атлетикачилар орасида биринчи бўлиб жаҳон чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди.**

4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МДҲ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ТОР ДОИРАДАГИ МАЖЛИСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам раис,

Ҳурматли давлат раҳбарлари!

Ҳамдўстлик давлат раҳбарлари саммити иштирокчиларини қутлаш ва Беларусь Республикаси Президенти Александр Григорьевич Лукашенкога самимий қабул ва меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Бугун дунёда юз бераётган мураккаб жараёнлар, кучларни глобал ва минтақавий жойлаштириш борасидаги мураккаб ўзгаришлар, жаҳон иқтисодиётида инқироздан кейин кечаётган оғир давр, Ҳамдўстликка яқин ва узоқ давлатлардаги вазият ва зиддиятларнинг кескин тус олаётгани ҳақида гапиришнинг алоҳида зарурати йўқ, деб ўйлайман.

Шу муносабат билан, бизнинг назаримизда, МДҲнинг бу борадаги роли ва ўрнини белгилаш, Ҳамдўстлик доирасида қандай ишлар амалга оширилаётганини ва унинг имконият ҳамда салоҳиятини баҳолаш, ушбу ташкилотнинг истиқболи ва келажагини қандай тасаввур этишимиз хусусида фикр билдиришимиз муҳим аҳамиятга эга.

МДҲнинг, ўтган йиллар мобайнида мазкур ташкилот томонидан яратилган ҳуқуқий майдон ва ҳамкорлик воситаларининг, механизмларининг аҳамиятини оширмасдан, айни пайтда камситмасдан айтиш мумкинки, Ҳамдўстлик унга аъзо бўлган ҳар бир давлат учун муҳим ўрин тутмоқда. Бундай дейиш учун барча асослар бор.

Ҳамдўстлик унга аъзо давлатларнинг изчил ривожланиши, барқарорлиги ва хавфсизлигига рахна солиши мумкин бўлган таҳдид ва хатарларга ўз вақтида, муносиб жавоб қайтариш, баҳс ва низоларни ҳал этишга қаратилган, пировард натижада собиқ иттифоқ ҳудудида фуқароларнинг ўзаро мулоқот қилиши учун мақбул ёндашув ва мувофиқлаштирилган амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш борасида кенг имкониятлар яратмоқда.

МДҲ давлатларининг серқирра ҳамкорлиги ҳақида сўз борганда, биз, авваламбор, **МДҲ маконида зўравонлик ва муросасизлик ғояларини очиқ-ойдин тарғиб қилаётган турли экстремистик ташкилотлар фаоллиги кун сайин кучайиб бораётганини эътиборга олган ҳолда, экстремизм ва терроризмга қарши курашда Ҳамдўстлик мамлакатларининг ўзаро ҳамкорлигини назарда тутамиз.**

Бугунги кунда тобора авж олаётган радикализм, терроризм ва жангари экстремизм мафкураси нафақат бир мамлакат ёки муайян минтақа доирасида кенг тарқалаётгани, балки **ушбу жараён миллий чегара билмаслиги** ҳақида гапиришнинг ҳожати йўқ. Айнан шу сабабли МДҲга аъзо давлатлар ҳудудида ҳар қандай кўриниш ва шаклдаги терроризм ва экстремизмга йўл қўймаслик муҳитини шакллантириш, ушбу хавфли таҳдидларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишига кўмаклашадиган сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш учун биргаликда ҳаракат қилиш зарур.

Бугунги саммитда жиноятчилик ва терроризм, наркотик воситаларнинг ноқонуний айланишига қарши ҳамкорликда курашиш бўйича чора-тадбирлар дастури, шунингдек, Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш бўйича ҳамкорлик концепциясининг қабул қилиниши Ҳамдўстликка аъзо барча давлатларнинг узоқ муддатли хавфсизлик манфаатларига мос келади.

**Иккинчидан.** Афғонистондан АЙСАФ тинчликпарвар кучларининг 2014 йилнинг охирига қадар чиқарилиши, шак-шубҳасиз, Афғонистон билан чегарадош давлатлар ва унга яқин ҳудудлар учун жиддий синов бўлади.

Дунёдаги аксарият мамлакатлар Афғонистон муаммосини ҳал этишнинг ягона йўли – бу, ушбу муаммонинг сиёсий тинч ечимини топиш, ўзаро курашаётган турли томонлар ўртасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида музокаралар ўтказиш ва муросага келиш, таркибига ўзаро қарама-қарши асосий кучлар ҳам кириши мумкин бўлган муваққат ҳукуматни шакллантириш зарур, деган хулосага келмоқда.

Ўзбекистон Афғонистон билан қўшни давлат сифатида унинг ички ишларига аралашмаслик, Афғонистон билан ҳамкорликни икки томонлама асосда ташкил этиш, Афғонистон халқи сайлайдиган ҳукуматга ёрдам бериш ва уни қўллаб-қувватлаш сиёсатига қатъий амал қилади.

Бундай шароитларда ҳар бир мамлакат ўзи қабул қиладиган чора-тадбирларни амалга ошириши, шунингдек, Афғонистондан қўшинларни чиқариш жараёни ён-атрофдаги мамлакатларга зиён етказмаслигидан манфаатдор томонларнинг ўзаро мувофиқлашган ва маслаҳатлашган ҳолда иш тутиши, энг муҳими, юзага келаётган шароитда аввало Афғонистоннинг ўзида тартибсизлик ва зўравонликка йўл қўймаслик мамлакатларимиз ва умуман, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш учун муҳим аҳамият касб этади. Бу борада манфаатдор бўлган қудратли давлатлар амалий ёрдам кўрсатиши мумкин ва даркор.

**Яна бир масалага алоҳида тўхталмоқчиман.** Бу МДҲ маконида мамлакатлар ўртасида амалдаги савдо режимига салбий таъсир кўрсатмайдиган принципларга асосланган тўлақонли эркин савдо зонасини шакллантиришдир. Бу МДҲ ҳудудида барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашнинг муҳим шартларидандир.

Бунда товар оқимлари тузилмасини диверсификация қилиш, ўзаро етказиб берилаётган товарлар турларини кенгайтириш ва энг муҳими, мувофиқлаштирилган ва самарали транспорт-коммуникация ҳамда тариф сиёсатини амалга ошириш улкан аҳамиятга эга.

Биз Ўзбекистон Республикасининг Эркин савдо зонасини ташкил этиш тўғрисидаги шартномага қўшилишини қўллаб-қувватлаган Россия Федерацияси ва Ҳамдўстликнинг бошқа мамлакатларидан миннатдормиз. Ўзбекистоннинг изчил ривожланаётган бозори ва жадал ўсиб бораётган иқтисодиёти билан ушбу муҳим интеграция лойиҳасида иштирок этиши Шартноманинг барча қатнашчиларига ўзаро фойда ва манфаат келтиришига ишонаман.

Муҳтарам ҳамкасблар!

МДҲ истиқболи ва келажаги кўп жиҳатдан бизга, яъни Ҳамдўстликка аъзо мамлакатларга ва, албатта, ҳеч бир муболағасиз биринчи навбатда, Россияга боғлиқ эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Собиқ иттифоқ ҳудудидаги ҳар бир мамлакат учун Россиянинг улкан салоҳияти ва бозор имкониятлари эътиборга олинган ҳолда, бу давлат билан йўлга қўйилаётган муносабатлар ва муҳими – умумий тарихимиз, қадриятларимиз, интилишларимиз ва керак бўлса, узоқ йиллар мобайнида биз биргаликда яшаган макон алоҳида аҳамият касб этиши бугун ҳеч кимга сир эмас.

Собиқ иттифоқ ҳудудида Ҳамдўстлик билан бир қаторда бошқа интеграция жараёнларининг ҳам ривожланаётгани МДҲ фаолияти учун тўсиқ бўлаётгани йўқ.

Шу билан бирга, давлатлараро бирлашмаларнинг ҳар бири – МДҲ, Божхона иттифоқи ва унинг асосида ташкил этилаётган Евроосиё иқтисодий иттифоқи **бир-бирини такрорламасдан ўз йўналиши бўйича** фаолиятини йўлга қўйиши ғоят муҳимдир. Бундай ҳолат эса келажакда юз бериши мумкин.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Беларусь Республикасининг МДҲга раислиги, бизнинг фикримизча, фаол ва амалий хусусиятга эга бўлди ва Ташкилот доирасида унга аъзо мамлакатларнинг умумий мақсад ҳамда вазифаларини илгари суришга ёрдам берди.

Фурсатдан фойдаланиб, Украинани навбатдаги даврда МДҲга раислик қилиши билан табриклаб, Украина Президенти Виктор Федорович Януковичга ушбу масъулиятли миссияни амалга оширишда катта муваффақиятлар тилайман.

Эътиборингиз учун ташаккур.



ЎзА сурати.

# ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ МАҲСУЛИ

**Мамлакатимиз пахтакорлари юксак ва сифатли пахта хирмони бунёд этдилар. Юрт хирмони 3 миллион 350 минг тоннадан ошди. Пахтакорларимиз зиммасига олган шартнома мажбуриятини шараф билан адо этишди. Пахтазорларда эса ҳали ҳосил мўл. Уни тез кунларда йиғиштириб олиш ишлари жадал суръатларда давом этаётир.**

*Бу юксак марра пахтачилик ишига ўз ҳаётини бағишлаган, ўз касбининг устаси ва фидойиси бўлган деҳқон ва фермерларимизнинг, ушбу соҳага дахлдор олим ва мутахассисларнинг ўта мураккаб ва машаққатли меҳнати натижаси, том маънода мардлик ва матонат намунаси эканини халқимиз яхши билади ва юксак баҳолайди.*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига йўллаган табригидан**

Президентимиз раҳнамолигида иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Хусусан, пахтачиликда, пахта саноатидаги ютуқлар барчамизни қувонтириши табиий.

Эришилган муваффақиятларнинг ўзига хос омиллари мавжуд. Истиқлол йилларида қишлоқ хўжалигида олиб борилган изчил ислоҳотлар, айниқса, фермерларга яратиб берилган кенг имкониятлар самарасида қишлоқ хўжалигида туб ўзгаришлар юзага келди – пахта ҳосилдорлиги, тола сифати ва пировардида ундан келадиган даромад ортди, меҳнатга муносабат ўзгарди, манфаатдорлик ошди. Пахта майдонларининг оптималлаштирилиши, рағбатлантиришнинг кучайтирилиши, ҳар бир ҳудуднинг иқлими, шароити, тупроғига мос навларнинг экилиши, ерларнинг мелиоратив ҳолатига қаратилган эътибор ва бошқа омиллар бугунгидек муваффақиятларга асос бўлмоқда.

Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган IX Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида гувоҳи бўлганимиздек, ўзбек пахтасининг жаҳонда нуфузи ошиб бормоқда. Бунинг боиси сифатда, жаҳон стандартларига тўла жавоб беришида. Юртимизда етиштирилган пахта толаси саноатбоплиги, рангининг тиниқлиги, толасининг пишиқлиги, микронейр кўрсаткичлари билан ажралиб туради.

Энг муҳими, бугун пахтачиликда олдингидек, сон эмас сифат алоҳида аҳамият касб этаётир. Агротехникада интенсив технологияларнинг қўлланаётгани, ғўза навларини янада яхшилашга қаратилаётган эътибор самара бераётир. Мустақиллик йилларида селекционер олимларимиз томонидан ўнлаб янги ғўза нави яратилди ва ҳудудларда экишга тавсия этилди. Янги навлар серҳосил, тезпишар, барча кўрсаткичлар бўйича жаҳон бозори талабларига жавоб беради, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, энг муҳими, ҳар бир ҳудуднинг иқлими, тупроқ шароити инобатга олиниб яратилган. Селекционерларимиз томонидан яратилаётган янги навлар жаҳон бозори талабларига жавоб бериш баробарида устунлик жиҳатларини ҳам намоён этаётир.

(Давоми 2-саҳифада)

Самарқанд вилояти

МУНОСАБАТ

# КЎНГЛИМИЗ ОҚ – ЙЎЛИМИЗ НУРАФШОН

***Президентимизнинг Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига йўллаган табриги биз фермерларга жуда катта куч ва ғайрат бағишлади.***

Юртбошимизнинг табригидаги “Пахта азал-азалдан оқлик, оқ рангнинг тимсоли сифатида эътироф этилади. Оқ пахтани фақат оқкўнгил одамларгина етиштиради. Таъбир жоиз бўлса, пахта нафақат оқ рангнинг рамзи, балки фидокорона меҳнатнинг маҳсули десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди”, деган сўзлар замирида бугун деҳқонларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор, уларнинг меҳнати қадр топаётгани, улуғланаётгани мужассам эди.

Буни биргина мисолда — ерга қаратилаётган эътиборда ҳам кўриш мумкин. Тажрибамдан биламанки, юқори ҳосилдорликнинг бош омили — тупроқ унумдорлигидир. Узоқ давр мобайнида турли кимёвий ўғитларни меъёридан ортиқ қабул қилиб келганлиги, сув режимига етарли амал қилинмаганлиги боис аксарият ерларимиз хасталикка чалинганди. Тупроқ ҳам инсонга ўхшайди. Дейлик, сариқ хасталигига учраган инсонни даволаш учун унинг қонини тозалаш лозим. Худди шундай тупроқ унумдорлигини ошириш, захни кетказиш учун заминнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш лозим. Бу борада юртимизда муҳим дастурлар асосида катта ишлар амалга оширилди. Минглаб гектар ерларнинг мелиоратив аҳволи яхшиланди. Улар орасида бизнинг фермер хўжалигимизга қарашли 90 гектар ер ҳам бор эди. Натижада қисқа фурсатда ҳосилдорлик бир неча баробарга ошди.

Ғўза эса ниҳоятда меҳр талаб ўсимлик. Шу боис, ҳақиқий деҳқоннинг хаёли доимо даласида, ғўзасида бўлади. Пахтакор ҳам ўзи етиштирган ғўзаси каби меҳрга чанқоқ бўлиб қолар экан. Шукрки, бу меҳрни биз доимо олиб турибмиз, ҳар лаҳзада ҳис қиламиз. Ерга чигит қадагандан то ҳосилни йиғиштириб олгунимизча таъминот ташкилотлари хизматимизга камарбаста. Ўғит, ёнилғи даламиз бошига келтириб берилмоқда. Қолаверса, яқиндан иш бошлаган кенгашлар фермерларнинг мададкори бўлмоқда.

Президентимизнинг пахтакорларга йўллаган табриги кўнглимизни тоғдек юксалтирди. Биз ўзимизга билдирилган ишончни оқлаб, элу юрт ишига камарбаста бўлишга ҳаракат қиламиз. Қўлга киритилаётган ютуқларни мустаҳкамлаб, турмуш фаровонлигини янада ошириш, тараққиётга муносиб улуш қўшиш мақсадида шижоат билан меҳнат қиламиз. Ахир биз кўнгли пахтасидек оқ, ғурури хирмонидек юксак ўзбек деҳқонимиз.

**Аваз ҲОСИЛОВ,**
**Каттақўрғон туманидаги “Ҳосил” фермер хўжалиги раҳбари.**

Навоий вилояти

**Навоий шаҳридаги “Navoiy Fayz Mebel” масъулияти чекланган жамияти жамоаси мебелсозлик соҳасини ривожлантиришга ўз улушини қўшиб келмоқда.**

# ИНТИЛИШ БОР ЖОЙДА ЮКСАЛИШ БЎЛАДИ

Мазкур корхонада хонадон, офислар ва турли корхона ҳамда ташкилотлар учун мўлжалланган харидоргир мебеллар тайёрланади.

— Корхонамизда ўз ишининг устаси, ғайратли кишилар ишлайди, — дейди корхона раҳбари Азамат Ҳожиев. — Улар тайёрлаётган янги кўринишдаги, замонавий мебеллар эътиборга тушиб бўлган. Буни буюртмачилар сонининг ортиб бораётганида ҳам кўриш мумкин.

“Navoiy Fayz Mebel” жамоаси келгусида ишлаб чиқариш ҳажмини янада кенгайтириб, янги иш ўринларини яратиш, аҳолига сифатли мебеллар етказиб беришдек эзгу мақсадларни кўзлашмоқда.

**Раъно РАББИМОВА**

# ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ МАҲСУЛИ

**(Боши 1-саҳифада)**

– Айни пайтгача ғўза генетикасида унинг касаллик ва зараркунандаларга чидамлилигини ошириш борасида қатор ишлар амалга оширилганди, – дейди биология фанлари доктори, профессор Иброҳим Абдураҳмонов. – Ғўзада шундай хусусият бор: тола сифати таъминланса, эртапишар бўлмайди. Аксинча эртапишар бўлса, толаси сифатли бўлмайди. Олимларимизнинг изланишлари айни шу жиҳатни генетикадан топишга қаратилди. Мана ижобий натижаларга ҳам эришилмоқда. Яратилган ген-нокаут технологияси чидамли хусусиятларга эга “Порлоқ” навларини яратиш имконини берди. Бундай навлар 5-10 кун олдин етилади, ҳосил 18-30 фоиз ошади. Толасининг сифати ҳам ортади. Айни вақтда шу навлар синовдан муваффақиятли ўтди.

Жорий йилда ҳам мамлакатимиз пахта майдонларида истиқлол йилларида юртимиз олимлари томонидан яратилган, ҳудудлар иқлим шароитига мос, ингичка ва ўрта толали ғўза навлари парваришланди. “Бухоро-6”, “С-6524”, “Наманган-77”, “Ан-Боёвут-2”, “Бухоро-8”, “Бухоро-102” навлари шулар жумласидандир.

Ерга меҳр – элга меҳр, дейишади. Ерга меҳр – келажакка меҳр, истиқболга замин, дейиш мумкин. Жорий йилда пахта ҳосилдорлиги ўртача 26,4 центнерни ташкил этди. Энг муҳими, ҳосилдорлик беш йиллик ўртача кўрсаткичга нисбатан 2,4 центнерга ошди. Бу рақамлар ҳам ерга қаратилган эътиборнинг натижасини кўрсатиб турибди.



*Дўстлик туманидаги Мурод Абдувосиев номли сув истеъмолчилари уюшмаси (раиси Эшмурод Файзиев (ўртада) ҳудудидаги фермерлар ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Айни пайтда Саттор Қорабоев, Нурмуҳаммад Жабборов, Абдусалом Қобилов ва Ўткир Қорабоев каби илғор фермерлар кузги шудгорлаш ва ғалла парваришига жиддий ёндашмоқдалар.*

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида қабул қилинган махсус дастур доирасида ўтган беш йилда мамлакатимиз бўйича салкам 1 триллион сўм маблағ сарфланиб, 1 миллион 460 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Бу эса, ўз навбатида, ҳосилдорликнинг ошишида, бугунги кўрсаткичларга эришишда муҳим омил бўлди.

Пахтакорларимиз билан мулоқотда бўлсангиз айтишадики, ютуқлар омили — давлатимиз томонидан яратиб берилаётган шароитда. Энг муҳими, уруғни ерга қадашдан, тўғрироғи, ерни шудгорлашдан то ҳосилни йиғиб олгунга қадар пахтакорлар давлатимиз диққат-эътиборида. Ана шу жараёнда кўрсатилаётган хизматлар, яъни инфратузилманинг такомиллаштирилгани бугунги натижаларда катта аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда пахтакорларга таъминот тизимида барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Фермерларга имтиёзли кредитлар ажратиш, уруғлик, ёқилғи-мойлаш материаллари ва ўғитни дала бошигача етказиб бериш йўлга қўйилган. Бу эса иш унумдорлиги ошиши, вақт тежалишида муҳим аҳамият касб этаётир. Энг муҳими, ҳосилдорлик ва манфаатдорлик ошишига хизмат қиляпти.

Ҳосилдорликни оширишнинг мезонлари, омиллари кўп. Қолаверса, табиатнинг инжиқлигу саховати бор. Бободеҳқонларимиз айтишадики, йил-йилга ўхшамайди. Шундай жараёнда тажриба ўз сўзини айтади, омилкорлик асқотади. Ҳақиқий деҳқонгина ҳар қандай шароитда ҳам мўл ҳосил етиштиради.

Бу йил ўзига хос табиати билан пахтакорларимизни синовдан ўтказди. Баҳор ойларида – айни экиш мавсумидаги ҳаво ҳароратининг пасайиши ва сурункали ёмғирлар чигит экишни кечиктирди. Кейинчалик тупроқда намлик миқдори ортиб, ғўза ривожига салбий таъсир этгани, ёз ойларида ҳароратнинг одатдагидан ошиб кетиши деҳқонларимизга анчайин қийинчиликларни юзага келтирди. Уни енгиб ўтишда пахтакорларимиз катта матонат билан меҳнат қилишди. Интенсив технологиялар, илғор тажрибалардан самарали фойдаланишди. Ғўза қатор оралари ҳар йилгидан 3-4 марта кўп, ўртача 7 марта культивация қилинди. Суғориш “шарбат” усулида олиб борилиб, гектарига 10 тоннадан, жами 10 миллион тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит берилди.

– Ғўзани “шарбат” усулида суғоришнинг аҳамияти катта, – дейди Наманган туманидаги “Олтин замин ифтихори” фермер хўжалиги раҳбари Сайдулло Абубакиров. – Яъни, маҳаллий ўғит тупроқнинг ҳарорати ҳамда ер намининг меъёрида сақланишига ёрдам беради. Бу эса мураккаб вазиятда қуруқ ва иссиқ иқлимда ниҳоятда қўл келади. Жорий йилда ҳам маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаландик. Бу, энг аввало, ернинг намини узоқ сақлаб, суғоришлар муддатини қисқартиришга имкон яратди. Ҳосилимиз мўл бўлди.

Айниқса, ғўза парваришида муҳим палла – августда кучайтирилган парвариш, оби-тобида бажарилган агротехник тадбирлар ҳосилнинг эртароқ пишишини, толанинг сифати ошишини таъминлади.

Ҳосилни сақлаш, зараркунанда ва ҳашаротларга бой бериб қўймасликда биологик усул муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ёз ойларида ҳаво ҳарорати кескин даражада юқори бўлди. Бу эса зараркунандалар кўпайишига шароит яратди. Ана шу жараёнда далаларга биологик усулда ишлов берилди. Чеканка, культивация, дефолиация каби тадбирларнинг маромида бажарилиши ҳосилни янада кўпайтириш ва унинг эрта пишиб етилишида қўл келди.

Таъкидлаш жоизки, агротехник тадбирларни қулай муддат ва маромида ўтказишда техника деҳқоннинг қаноти ҳисобланади. Юртбошимиз ташаббуси билан пойтахтимизда ташкил этилаётган кўргазмаларда минглаб қишлоқ мулкдорлари иштирок этиб, хўжаликларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга эришяптилар. Қолаверса, тижорат банкларининг имтиёзли кредит ва лизинглари фермерларнинг замонавий техника соҳиби бўлишига хизмат қиляпти. Жорий йил ҳосилининг асосий қисми эрта, ғоят қисқа фурсатда йиғиб-териб олинди. Бу мавсумнинг уюшқоқлик билан ташкил этилгани билан боғлиқ. Айниқса, кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини механизациялашга қаратилаётган эътибор ўзининг ёрқин самараларини бермоқда. Хусусан, жорий йилда ҳам мамлакатимиз пахта далаларида “Тошкент трактор заводи” очиқ акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш йўлга қўйилган “МХ-1,8” модернизацияланган пахта териш машиналари иштирок этгани бунинг тасдиғидир. Фойдаланиш жуда қулай, ишончли, ҳосилнинг 90 фоизигача тўлиқ тера оладиган, хорижда ишлаб чиқарилган муқобилига нисбатан бир неча баробар арзон бўлган, такомиллаштирилган ана шундай пахта териш машиналари ҳосилни теришда қўл келди.

– Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар биз – фермерларни тинимсиз изланишга, соҳа ишларини тўла механизациялашга руҳлантирмоқда, – дейди Дўстлик туманидаги “Ғайбулла ота” фермер хўжалиги раҳбари Абдуҳошим Ғайбуллаев. – Пахта ҳосилини йиғиштириб олишда янги йиғим машиналарининг хизмати катта бўлди. Асосий ҳосил машиналарда терилди.

– Пахтазорларда юртимизда ишлаб чиқарилган “МХ-1,8” русумли терим машинасини бошқарганимдан юрагим фахру ғурурга тўлди, – деди хўжалик механизатори Бахтиёр Жўраев. – Уни бошқариш ўнғай, ёнилғи сарфи кам, энг муҳим кўрсаткичи – тоза теради. Бу жиҳатдан хориж техникаларидан устун ҳам.

Пахтакорларимизга кўрсатилган мадад боис, хирмонларимиз янада юксалди. Энг муҳими, ҳосилнинг асосий қисми, яъни 90 фоизи юқори сортларга қабул қилинди.

Шартнома шартларини қисқа муддатда уддалаган Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Андижон, Фарғона, Бухоро вилоятларининг пахтакорлари азму шижоатига таҳсин айтиш жоиз. Амударё, Элликқалъа, Шаҳрихон, Тошлоқ, Учкўприк, Ўзбекистон, Вобкент, Қарши, Навбаҳор, Уйчи, Поп, Нарпай, Шеробод, Қумқўрғон, Бўка, Гурлан туманларида ҳам ҳосил тез ва қисқа фурсатда йиғиштириб олинди. Кўплаб илғор фермер хўжаликларида нафақат терим борасида, балки ҳосилдорликда ҳам юқори натижаларга эришилди. Қамаши туманидаги “Ашур ота”, Муборак туманидаги “Олам”, Навбаҳор туманидаги “Мартабали”, Наманган туманидаги “Олтин замин ифтихори”, Каттақўрғон туманидаги “Ҳосил”, Пахтачи туманидаги “Умида Шарипова”, Сирдарё туманидаги “Адолат момо”, Риштон туманидаги “Гулобод юрт”, Амударё туманидаги “Улуғбек Ўрозбоев”, Элликқалъа туманидаги “Рўзимбой бобо”, Олтинкўл туманидаги “Нур-зиё кўзи” фермер хўжаликларида гектаридан 45-60 центнергача етказиб ҳосил олинди. Бу фермерлик ҳаракатининг нақадар истиқболли эканлигини ҳам намоён этди.

Бугун фермерларимиз барча жабҳада илғор. Пахтачиликда ҳам улар илғор тажрибаларни амалиётга жорий этишиб, илму фанни амалиётга пайваста этишмоқда.

Жорий йилнинг 27 сентябрида Президентимиз қашқадарёлик фермерлар билан мулоқоти чоғида қишлоқ хўжалигида эришилаётган ютуқлар омили хусусида сўз юритиб, бу борадаги салоҳият ва имкониятдан янада самарали фойдаланиш бўйича ўз таклиф ва тавсияларини берди.

– Президентимизнинг йўл-йўриқлари биз фермерларни ниҳоятда тўлқинлантириб юборди, – дейди Қарши туманидаги “Сифат нур” фермер хўжалиги раҳбари Саидаҳмад Каримов. – Фермер хўжалигимиз 160 гектар ер майдонига эга. Давлатга пахта ва ғалла сотиш шартнома мажбуриятларини мунтазам бажариб келяпмиз. Президентимизнинг ғаллачилик ва пахтачиликда ҳудуд иқлим-шароитига мос серҳосил, тезпишар янги навларни яратиш, эскирган техникаларни замонавийлари билан алмаштириш лозимлиги ҳақида билдирган фикрлари биз – фермерларнинг дилидаги гап бўлди. Дарҳақиқат, пахтачиликда юқори натижага эришиш, аввало, нав танлашга боғлиқ. Нав яхши бўлса, ҳосил ҳам сифатли, ҳам салмоқли бўлади. Бундай юқори сифатли пахтадан дунё стандартларига жавоб берадиган тола олинади. Энг муҳими, қанча сифатли пахта тайёрласак, шунча кўп даромад топяпмиз. Бугунги ҳаёт, турмушимизни кечаги кун билан солиштирсак, ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Ҳа, меҳнатимиз қадр топди...

Бугун қай бир қишлоқ мулкдори билан суҳбатлашманг, кўтарган баракали хирмони кутилганидек даромад беришини таъкидлашади. Ҳақиқатан, моддий манфаатдорликнинг ошиши ерга, мулкка, сувга бўлган муносабатни ўзгартирди. Қишлоқ меҳнаткашларининг дунёқараши кенгайди. Эгалик ҳисси юзага келди. Энг муҳими, етиштирган ҳосили ортида даромад борлиги, ундан оиласи, хўжалик аъзолари, қишлоқ аҳолиси, қолаверса, жамият наф кўришини англаб етган қишлоқ меҳнаткашлари азму шижоатини оширишмоқда.

Бу айни пайтдаги меҳнат – ҳосили йиғиштириб олинган майдонлардаги шудгорлашда, экилган кузги буғдой майсаларини қишки тиним давригача туплаши учун қилинаётган ҳаракатда ҳам кўриш мумкин.

Пахтаобод туманидаги “Олтин” фермер хўжалигида 41,3 гектар ерда ғўза парваришланиб, 42 центнердан ҳосил олинди. Унинг асосий қисми юқори навларга топширилди. Режадан ортиқча 23 тоннадан зиёд ҳосил тайёрланди. Демакки, жорий мавсумда ҳам даромад юқори бўлмоқда. Айни пайтда хўжалик далаларида кузги шудгорлаш ишлари бормоқда.

– Йиғим-терим баробарида ғўза қатор ораларига ғалла экиб, сувдан чиқариб бўлдик, – дейди фермер Каримберди Эгамов. – Нам кетгунга қадар такрорий экинлар ўрнини шудгорлаб қўйсак, ишимизда силжиш бўлади. Шудгор хосияти ҳақида шундай эшитганим бор қанча чуқур бўлса, шунча ҳосилдорлик баланд бўлар экан. Ғўза илдизининг чуқур кетиши бевосита шудгорга боғлиқ эканлигини иш фаолиятимизда кўриб келяпмиз. Бугунги ишимиз келгуси ҳосилга асосий пойдевор бўлади. Шу боис, унинг сифатига алоҳида эътибор қаратамиз.

Пахтакорларимиз пешона тери, фидокорона меҳнати эвазига бунёд этилган улкан пахта хирмони мамлакат иқтисодиёти тараққиётига, юрт фаровонлигига хизмат қилади. Анъанавий ўтказилаётган пахта ва тўқимачилик ярмаркасида катта ҳажмдаги тола савдоси бўйича имзоланаётган шартномалар ҳам бунинг ёрқин исботидир. IX Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида 680 минг тоннадан ортиқ Ўзбекистон пахта толасини сотиб олиш бўйича шартномалар имзоланди. Бундан ташқари, мамлакатимиз тўқимачилик корхоналарининг маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича бир миллиард АҚШ долларидан зиёд ҳажмдаги шартномалар тузилди.



*Пахтаобод туманидаги “Олтин” фермер хўжалиги аъзолари етиштирилган мўл ҳосилнинг пойдевори сифатли шудгорда, деб билишади. Келгуси йилда ҳам ҳосил мўл бўлсин, деб айни пайтда ушбу агротехник тадбирга алоҳида эътибор қаратишмоқда.*

Пахта – юрт бойлиги. Бир тонна пахтадан 7200 метр мато, 54 минг ғалтак ип, 360 килограмм момиқ пахта, 110 килограмм пахта ёғи, 16 килограмм совун олинади. Умуман, ундан 25 дан зиёд турдаги маҳсулот олиниши, улар турмушимизда муҳим аҳамият касб этиши баробарида, бошқа тармоқлар ривожига хизмат қилишини ҳисобга олсак, унинг бебаҳо бойлик эканлиги янада ойдинлашади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида пахта толасини чуқур қайта ишлаш ҳажми ошмоқда. Бу кўрсаткич ўтган асрнинг 90-йилларидаги 7 фоиздан 2012 йилда 40 фоизга ўсди. Ҳисоб-китобларга кўра, яқин йиллар ичида Ўзбекистонда етиштирилаётган жами пахта толасининг асосий қисми ўзимизда чуқур қайта ишланади. Ўзбекистонда ривожланган бозор иқтисодиётини шакллантириш ва уни юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтириш давомида тўқимачилик саноати ҳам изчил ривожланиб, янги корхоналар ишга туширилаётгани, уларнинг ишлаб чиқариш қуввати ортиб бормоқда. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотлари ҳар йили ички ва ташқи бозорда талаб катта бўлган янги турлар билан бойитилмоқда. Соҳага жалб қилинаётган инвестиция ва замонавий технологиялар маҳсулот сифатини ошириб, рақобатбардошлигини таъминламоқда, экспорт салоҳияти юксалишига хизмат қилмоқда.

Юксак хирмон – юксак даромад. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра бу йил пахтачиликдан олинадиган ялпи даромад ўртача 3 триллион 100 миллиард сўмдан зиёд ёки ўтган йилга нисбатан 23 фоиз кўп бўлиши кутилаётир. Бу – қишлоқларимиз, бутун юртимиз ободлиги, янги-янги иншоотлар, инфратузилма объектлари, маиший хизмат бинолари, замонавий уй-жойлар барпо этиш омили, аҳоли турмуш фаровонлиги янада ошиши учун имконият демакдир.

– Меҳнат қилган инсон, албатта, роҳатини кўради, – дейди Риштон туманидаги “Гулобод юрт” фермер хўжалиги раҳбари Улуғбек Қозихонов. – Бугун фақатгина ҳосилдорликни ва сифатни ошириш орқали даромадни кўпайтиришни хўжалигимиз аъзолари яхши билишади. Қарангки, ҳосилдорлик ошгани сари даромадимиз ҳам ошиб бормоқда. Замонавий уй-жойларга эга бўляпмиз, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий техникаларни сотиб оляпмиз. Элга нафимиз тегяпти. Бу жуда катта бахт. Бундай пайтда ғурурланмай, суюнмай бўладими?!

Ҳа, бугун пахтакорларнинг, қишлоқ меҳнаткашларининг, олиму ҳосилот, механизатору сувчи, хуллас, барчанинг дилида байрам, уйида шодиёна. Қишлоқлару овуллардан, азим кентларгача кезиб юрган байрам шукуҳида ана шундай фахрланиш, ғурур, меҳнат сурури бор.

**Анвар ҚУЛМУРОДОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Сирдарё Вилояти

**Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони фермерлик ҳаракатининг янги босқичини бошлаб берди. Бугун фермер хўжаликларида нафақат қишлоқ хўжалиги, чорва маҳсулотлари тайёрланмоқда, қайта ишланмоқда, балки фермерлар маиший ва сервис хизмати шохобчалари очиб, хизмат кўрсатмоқда, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириб, янги иш ўринлари ташкил этмоқда. Сирасини айтганда, турмушимиз бундан-да обод, ҳаётимиз фаровон бўлишига муносиб улуш қўшмоқда. Уларнинг ана шу эзгу ишларида камарбаста бўлиш фермерлар кенгашининг асосий вазифаларидан биридир.**

# КЕНГАШ ФЕРМЕРНИНГ ҲАҚИҚИЙ КЎМАКДОШИГА АЙЛАНМОҚДА

Оқолтин туманида бугунги кунда пахта ва ғаллачиликдан ташқари, 15 та чорвачилик, 10 та балиқчилик, 7 та паррандачилик, 10 дан ошиқ боғдорчилик-сабзавотчилик фермер хўжаликлари, шунингдек, уларнинг 20 та сервис ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси фаолият юритаётгани фермерларнинг элга хизмати ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Фермерлар кенгашлари мулкка муносабатни ўзгартириш баробарида мулкдорларни янги ташаббуслар, изланишлар билан чиқишга, аввалгидан-да самаралироқ ишлашга руҳлантираётир. Мана шундай ишлар натижаси ўлароқ туманимизда фермерларга сервис хизмати кўрсатадиган МТПлар сони 3 тага етказилди. Масалан, фермер Холмурод Эштоев ўтган йили “Фарғона” сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудида сервис хизмати кўрсатадиган “Нажот МТП” масъулияти чекланган жамиятини ишга туширганди. Унда 5 та замонавий ҳайдов, 20 та чопиқ трактори, 10 та дала ишларига хизмат кўрсатадиган ОВХ агрегати бор. Фермерларнинг янги русумдаги замонавий техника билан таъминлангани агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш, етиштирилган ҳосилни барвақт саранжомлаш имконини бераётир. Шунингдек, фермерларнинг илғор тажрибаларни амалиётда кенг қўллашларига кўмак бериб келишмоқда. Ўтган йили “Оқолтин сардори” фермер хўжалиги раҳбари Қурбонгул Мамадалиева қарийб 50 гектар майдонда қўшқатор усулда ғўза парваришлаб, пахта етиштириш тажрибасини амалда синаб кўрганди. Янгилик фермер хўжалигида юқори натижа берди. Олдинлари 30 центнердан ҳосил олинган майдонларда 40 центнердан ҳосил йиғиб-териб олинди. Бу йил фермер хўжалиги аъзолари қарийб 400 гектар майдонда қўшқатор усулда ғўза парваришлаб, ҳар гектар ҳисобига пахта ҳосилдорлигини 40 центнердан оширдилар. Фермер хўжалиги аъзоларининг қўшқатор усулни қўллаш тажрибасини бу йил туманимизда кенг оммалаштирдик: туман бўйича 1000 гектардан зиёд майдонда ғўза қўшқатор усулда парваришланди. Фермер хўжаликларининг даромади ошиши уларнинг моддий-техника таъминотини яхшилашда қўл келаётир. Чунончи, Усмон Носир номли сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудидаги “Норқул” фермер хўжалиги раҳбари Ботир Маматқулов 2 та “Исузу” автобуси сотиб олиб, “Усмон Носир — Гулистон” йўналишида автобус қатновини йўлга қўйди. А.Тоиров номли сув истеъмолчилари уюшмасидаги “Фарҳод Фазлиддин диёр” фермер хўжалиги раҳбари Хайрулла Сахобиддинов 120 гектар майдондаги ғалла ва пахтадан мўл ҳосил олиш билан бирга бу йил 40 гектар майдонда шоли етиштирди, 14 гектар ерда эса балиқчилик хўжалигини ҳам ташкил этди. “Пахта-буғдой-шоли” алмашлаб экиш тажрибасининг қўлланиши, ўз навбатида, тупроқни шўрдан тозалаб, ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланишига ёрдам берди.

Юртбошимизнинг биз, фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани мўл ва юқори сифатли дон, пахта хирмони тиклашимизда, хўжаликни барқарор ривожлантиришимизда кенг имкониятлар эшигини очиб бераётир. Туманимизда 70 минг тоннадан зиёд буғдой етиштирилганди. Ғаллачиликда эришилган ютуқлар пахта далаларида ҳам омилкорлик билан ишлаб, мўл пахта хирмони тиклаш учун тўла шарт-шароит яратди. Туманимиз пахтакорлари 43 минг тоннадан ортиқ “оқ олтин” хирмони барпо этдилар. “Норқул”, “Саҳродаги узун булоқ”, “Али тоғ қувончи”, “Тажриба”, “Оқолтин сардори” фермер хўжаликларида гектаридан 40 центнердан ошириб пахта йиғиб-териб олинди. Бу йил туманимизда машина теримига катта эътибор қаратилди. 1100 тоннадан ошиқ пахта машина бункерларидан бўшатилди.

Сирасини айтганда, эришилаётган ҳар бир муваффақият замирида фермерларга яратиб берилаётган шароит, уларга қаратилаётган эътибор мужассамдир. Бундан руҳланган фермерлар маррани баланд олиб, шижоат билан меҳнат қилмоқдалар.

**Худойберди САФАРОВ,**
**Оқолтин тумани фермерлар кенгаши раиси.**

Наманган Вилояти

# ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ САМАРАСИ

**Мамлакатимизда олиб борилаётган фаол инвестиция сиёсати, қулай ишбилармонлик муҳити, тадбиркорларга яратилаётган имтиёз ва имкониятлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Юртимиздаги ана шу жиҳатлар, айниқса, инвестицион муҳит жозибадорлиги хорижликларни ҳам ўзига жалб этмоқда. Натижада ҳар йили юртимиз ва хорижлик ишбилармонлар ҳамкорлигида кўплаб замонавий ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилмоқда.**

Ана шундай ҳамкорликлар самарасида Наманган туманида 2010 йилда ишга туширилган “Тошбулоқ-Текс” қўшма корхонаси ҳам яратилаётган қулайликлар ва имтиёзлардан унумли фойдаланган ҳолда изчил тараққий этиб бормоқда. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган мазкур корхонада айни пайтда пахта толасидан юқори сифатли калава-ип тайёрланмоқда. У ерда йилига 3600 тонна пахта толасини қайта ишлаш имконияти мавжуд. Эътиборли жиҳати, корхонада тайёрланаётган жаҳон стандартларига мос, рақобатбардош калава-ипларнинг асосий қисми экспортга йўналтирилмоқда.

— Бу, ўз навбатида, иқтисодий имкониятларимизни кенгайтириб, янги қувватларни ишга тушириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга йўл очмоқда, — дейди корхона раҳбари Тўлқинбой Баротов. — Ҳамкорларимиз мамлакатимизда яратилган қулай сармоявий муҳит, ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш борасидаги кенг имкониятлар туфайли ўзаро алоқаларни янада кенгайтиришга интилмоқда. Айни пайтда фаолиятимизни кенгайтириб, тайёрланаётган маҳсулот ҳажмини ошириш, сифатини янада яхшилашга қаратилган лойиҳалар устида ишлаяпмиз.

Корхона ишчи-хизматчилари томонидан жорий йилнинг ўтган 9 ойида белгиланган 2625 тонна ўрнига 2742 тонна ёки 11 миллиард 600 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Юқорида айтилганидек, маҳсулотнинг асосий қисми экспорт қилинди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида ялпи ҳудудий маҳсулотда саноат ишлаб чиқариш ҳажми ва экспорт салоҳияти ортиб бораётир. Наманган вилоятида ҳам бу борада олиб борилаётган кенг қамровли ишлар самараси ўлароқ “Тошбулоқ-Текс” каби экспорт салоҳияти юқори, илғор технологиялар билан жиҳозланган корхоналар сони кўпайиб, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош бўлган сифатли саноат маҳсулотлари тайёрлаш ҳажми ортмоқда. Жумладан, сўнгги уч йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми қарийб уч баробарга кўпайгани ёки ўтган йилнинг ўзида бу кўрсаткич 1 триллион 289 миллиард сўмни ташкил этгани бунинг яққол тасдиғидир. Мазкур жараёнда нафақат ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга, балки ички ва ташқи бозор талаблари ўрганилиб, маҳсулот турларини кўпайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мисол учун, 2008 йилда тайёрланган маҳсулотлар турлари 49 тани (шундан тайёр маҳсулотлар турлари 41 тани) ташкил этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 68 тага (тайёр маҳсулотлар турлари 53 та) тўғри келаётир. Вилоятда саноат салоҳиятини ошириш мақсадида 232 та лойиҳа доирасида 21,9 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ўзлаштирилгани ҳам бундай юқори натижаларга эришишда муҳим омил бўлиб хизмат қилди, дейиш мумкин. Энг муҳими, бунинг натижасида 3628 та янги иш ўрни яратилди. Амалга оширилган лойиҳаларнинг 71 таси енгил саноат йўналишига тўғри келади. Жумладан, ана шундай йирик лойиҳалар доирасида “Чошгоҳ” МЧЖда калава-ипни бўяш, “Истиқлол дизайн текстил” МЧЖда тикув-трикотаж маҳсулотлари, “Малика холис сервис” МЧЖда полипропилен қоплар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бундай замонавий ишлаб чиқариш корхоналарининг ишга туширилиши, пировардида, иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишига ҳамда ҳудудлар салоҳиятини ошириш, маҳалла ва қишлоқларни обод этиш, аҳоли турмуш фаровонлигини тобора юксалтиришга хизмат қилаётир.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Сурхондарё Вилояти

# ЭГАЛИК ТУЙҒУСИ – ЭЗГУ ОРЗУЛАР РЎЁБИ

**Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда ташкил қилинган фермерлик ҳаракати иқтисодиётимизни юксалтириш, юрт ободлиги ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш масаласини ҳал этиш ҳамда қишлоққа замонавий саноатни олиб киришда етакчи кучга айланмоқда.**



Давлатимиз раҳбари томонидан мустақилликнинг илк йилларида аграр тармоқни ислоҳ қилиб, фермерлик ҳаракатини жорий этишнинг устувор вазифалари белгилаб олингани ва соҳада амалга оширилаётган изчил ишлар “Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун” деган эзгу ғоянинг амалдаги ифодасидир. Зеро, мамлакатнинг юксалиб, ривожланган давлатлар қаторига қўшилиши, одамларнинг осойишта, тўкин-сочин турмуш кечириши ерга, мулкка янгича муносабат, аҳолини сифатли, арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, етиштирилган маҳсулотни қишлоқнинг ўзида қайта ишлаш, бандлик масаласининг ҳал этилиши ва экин майдонларидан унумли фойдаланишнинг самарали тизими яратилганига бевосита боғлиқ. Бугунги тинчлик-хотиржамлик, дастурхонимизнинг тўкин-сочинлиги, қишлоқ хўжалигини сердаромад тармоққа, фермерлик ҳаракатини қишлоқда етакчи кучга айлантириш ўз-ўзидан бўлиб қолгани йўқ. Буларнинг барчаси Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, тинимсиз изланиш ва мақсад сари қатъий интилиш, ер эгаларига кўрсатилаётган бекиёс ғамхўрлик самарасидир. Буни Сурхондарё вилоятидаги Носирхон Тўрақулов раҳбарлик қилаётган “Боғу бўстон” фермер хўжалиги мисолида яққол кўриш мумкин.

Халқимиз азалдан ерга меҳр бериб, ер билан тиллашиб яшашни яхши кўради. Бундан йигирма беш йил муқаддам Носирхон Тўрақулов лалми ерларда мевали боғ барпо этиш таклифини ўртага ташлади. “Сувсиз ерда боғ бўладими. Буни синаб кўриш учун юқоридан рухсат олиш керак. Ер давлатники. Бўлмағур ташвиш билан бошимизни қотирманг”, деган эътирозлар бўлганди ўшанда.

Истиқлол шарофати билан боғбоннинг орзуси рўёбга чиқди. Ўтган йигирма икки йилда тоғли ҳудудлардаги уч юз гектардан ортиқ майдонда сувсизликка чидамли дарахт кўчатларидан боғ яратиб, лалми ерлардан ҳам мўл ҳосил, яхшигина даромад олиш мумкинлигини амалда исботлади.

Омилкор боғбон мустақилликнинг илк йилларида Ҳисор тоғ тизмалари этакларидаги адирликнинг уч гектарига олма, узум, бодом, ёнғоқ, анор кўчатларини экиб, синовдан ўтказди. Янги боққа қалб кўри, меҳр нурини бериб меҳнат қилди. Кўчатларнинг бир текис ривожланиши учун об-ҳавоси салқин, тупроғи майин, намликни ўзида узоқ муддат сақлаш хусусиятига эга бўлган сувсиз ерларга хос агротехник усулларни қўллади. Боғ уч-тўрт йилда ҳосилга кирди. Орзуси ушалаётган соҳибкорда лалми ерларни боғ-роғларга айлантириш иштиёқи янада кучайди.

– Биз иш бошлаган дастлабки йилларда вазият жуда оғир эди, – дейди Носирхон Тўрақулов. – Ўша даврда хўжалик раиси раҳбарликни қўлдан бермаслик, молиявий зарар кўриб ишлаётган колхозни сақлаб қолишга зўр бериб интиларди. Бирон ёрдам сўраб идорага боргудек бўлсак, турли баҳонаю сабаб билан ишимизни орқага чўзарди. Ерни текислаш, ҳайдаш учун техникага ҳам, озиқлантириш учун минерал ўғитга ҳам ўзимиз югурардик. Бир амаллаб етиштирган ҳосилни эркин сотиш учун бугунгидек шароит, имконият қаёқда эди дейсиз? Мустақил иш юритишда ҳар куни кўплаб сунъий тўсиқларга дуч келардик. Шундай пайтларда бизга Юртбошимизнинг фермерликнинг афзалликлари, истиқболлари ҳақидаги фикрлари катта куч, далда бўлди. Кўпроқ изланиб, ишлашга, барча тўсиқларни енгиб ўтишга ундади. Ерга, хусусий мулкка эгалик ҳиссимизни уйғотди. Меҳнатимиздан ҳузур-ҳаловат топа бошладик.

Носирхон Тўрақулов хўжаликдан ижарага олган уч гектар лалми ерга мевали дарахт кўчатларини эккан йилда қатор ораларида полиз ва кунжут парваришлаб, 150 тонна полиз маҳсулоти, икки ярим тонна кунжут йиғиб олди. Лалми боғ ҳосилга кирган биринчи йили 110 тонна мева, икки ярим тонна узум йиғиб олинди. Бу юртимиз тараққиёт йилларининг ўтиш даврида аҳолини узлуксиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда хусусий мулкнинг, фермерлик ҳаракатининг яхши самаралар бера бошлаганига яққол мисолдир. Президентимиз ғояси билан тадбиркор, фермер ҳамда ҳунармандлар учун “Ташаббус” кўрик-танловининг ташкил этилгани, хусусий секторни рағбатлантириб, соҳада яратилаётган янгиликларни қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлашга киришилди. Фермерларга ерни 50 йилгача ижарага бериш тартиби йўлга қўйилди. Уларнинг масъулиятини ошириб, моддий манфаатдорлигини таъминлайдиган тизим юзага келтирилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар фаолияти босқичма-босқич эркинлаштирилиб, пахта ва бошоқли дондан бошқа маҳсулотларга давлат буюртмаси бекор қилинди. Солиқ тизими такомиллаштирилиб, ягона ер солиғи жорий этилди.

Президентимизнинг 1996 йил 8 августдаги “Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида”ги ҳамда 1998 йил 19 ноябрдаги “Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида”ги фармонлари қабул қилингани, текширишларни рўйхатга олиш китоби жорий этилгани хусусий мулк эгаларининг молия-хўжалик фаолиятига асоссиз аралашувларга чек қўйди. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилингани қишлоқ мулкдорларининг ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Аграр тармоқни сердаромад, оилалар фаровонлигини таъминлайдиган соҳага айлантиришнинг кейинги босқичи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада мустаҳкамлаш, иқтисодий эркинлигини кенгайтириш, давлат буюртмаси бўйича етиштирилаётган маҳсулотларга нарх белгилашда дунё бозорига мос тизимни шакллантириш, ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш асосида қайта ташкил этиш ва уларга замонавий хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилгани билан аҳамиятлидир. Давлатимиз раҳбарининг 2003 йил 24 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги фармони бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, янги тузилмани йўлга қўйилгани қишлоқда мустақил иш юритадиган, эркин фикрлаб, ер билан тиллашадиган мулкдорлар синфини шакллантирди. Қишлоқ хўжалиги салоҳиятини юксалтириб, экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини оширди.

– Эндиликда фермернинг эркин, ҳалол меҳнат қилиб, яхши даромад олиши, аҳоли тўкинлигини таъминлаши учун барча шароит бор, – дейди Носирхон Тўрақулов. – Ер эгаларига замонавий хизмат кўрсатиш ривожланиб бораётир. Минерал ўғитлар даланинг ўзига етказиб берилмоқда. Сув таъминотида муаммо йўқ. Етарли техникага эга бўлмаган фермерлар жойлардаги машина-трактор парклари хизматидан фойдаланмоқда. Ерларни оптималлаштириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш юзасидан кўрсатилаётган ғамхўрликлар мулкка, ерга эгалик туйғусини кучайтириб, экин майдонларидан унумли фойдаланиш ва ҳосилдорликни оширишда муҳим омил бўлаётир.

Айни пайтда “Боғу бўстон” фермер хўжалигида йигирмадан ортиқ киши меҳнат қилади. Мавжуд майдонлардан беш юз тоннагача сифатли мева териб олинмоқда. Ўн гектар майдонда пахта парваришлаб, давлат буюртмасини ортиғи билан уддалади. Ўтган йили барпо этилган ўн гектар майдондаги интенсив олма боғида ниҳоллар меҳр билан парваришланаётир. Чорвачилик ва асаларичилик ҳам фермернинг қўшимча даромад манбаига айланди. Ҳосилнинг бир қисми мамлакатимиз шаҳарларида ташкил этилаётган ярмаркаларда сотилмоқда. Қолган қисми шартнома асосида буюртмачиларга етказиб берилаётир. Олинаётган даромад эвазига фермер тўртта ҳайдов трактори сотиб олди. Иккита “Damas”, битта “Matiz” автомашина соҳиби бўлди. Маблағнинг бир қисмини қишлоқни ободонлаштириш, ижтимоий ва инфратузилма иншоотлари барпо этишга йўналтираётир. Жумладан, ўтган йилларда Тоқчи қишлоғида 120 ўринли замонавий мактаб ва тикувчилик цехини қурди. Новвойхона, сартарошхона барпо этди. Тоқчи, Газарак, Кичиккўл қишлоқларига табиий газ қувурлари ўтказиш, Гулшан, Қулмозор маҳаллаларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, қишлоқ йўлларини ободонлаштиришга ҳомийлик қилди. Тоғли Газарак, Кулоб, Тоқчи, Тутак қишлоқларини туман маркази билан боғлайдиган йўлни 30 километрга қисқартириб, Тўпаланг дарёси устида узунлиги 33 метр бўлган пойдевори мустаҳкам янги кўприк қурилишига ёрдам берди. “Фарҳод” мурувват уйини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳам фермер учун савоб ишга айланди.

Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан фермерлик ҳаракатини бошқаришнинг янги тизими жорий этилди. Миришкорларнинг бурч ва вазифалари оширилди. Тайёрлов, таъминот, қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан ўзаро муносабатлари такомиллаштирилиб, фаолиятини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлади.

– Кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликлар учун Юртбошимиздан беҳад миннатдормиз, – дейди Носирхон Тўрақулов. – Эркин меҳнат қилиш, аҳоли фаровонлигини, қишлоқларимиз ободлигини таъминлаш бахтига эришдик. “Ташаббус – 2011” кўрик-танловининг мамлакат босқичида қатнашиб, “Йилнинг энг яхши фермери” номинациясида Президентимиз совринини – “Spark” машинаси билан тақдирландим. Ҳозирги пайтда ютуқларни янада мустаҳкамлашга интилмоқдамиз. Қишлоқда мевани қайта ишлайдиган замонавий корхона барпо этишга ҳозирлик кўраётирмиз. Бу ерда яна ўндан ортиқ қишлоқ ёшлари ишли бўлади.

Бу ишларнинг барчаси мамлакатимизда хусусий секторни янада юксалтириш, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга қаратилаётган эътиборнинг самараларидир.

**Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Жиззах Вилояти

*«Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли».*

**(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасидан)**




# БАХТЛИ ЯШАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

**Конституциямизда белгиланган ҳуқуқдан фойдаланиб, мен ҳам ўз мулкимга эга бўлдим. Юртимизда фермерликнинг ташкил этилиши менга мулкдор бўлиш имкониятини берди.**

Болалигим Иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келган. Отам ўша мудҳиш урушдан қайтмаган. Ёшлигимдан ҳаётнинг барча қийинчиликларини бошимдан ўтказдим. Бола ҳуқуқи, инсон ҳуқуқи деган умуминсоний қадриятлар тўғрисида, Ватанимиз мустақилликка эришгунга қадар биз, қишлоқ одамларининг кўпчилиги билмасдик. Мақсад бир амаллаб кун кечиришдан иборат эди. Шундай бўлса-да, ўқидим. Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини тамомлаб, янги ўзлаштирилаётган Мирзачўлга ишга келдим. Бутун меҳнат фаолиятим шу заминда ўтди. Дастлаб Пахтакор, сўнг Зарбдор туманида ишладим. Бўлимда, хўжаликда агроном, бригадир вазифаларида ишлаб, деҳқоннинг барча қувонч-ташвишларини бошдан кечирдим. Мустақиллик шарофати ва Президентимиз томонидан яратилган шароитлар туфайли фермер хўжалиги ташкил этдим.

Мустақиллик туфайли меҳнаткаш, фермер қадр топди. Меҳнат, унинг самараси энди ўзимники, оиламники, ундан ўзим баҳраманд бўлаяпман. Ер, мулк ўзингники бўлгач, унинг эгаси бировга ҳисоб бериш учун эмас, юрти, ўзи учун, оиласи, фарзандлари, уларнинг келажаги учун ишлар экан. Фермерлик қилаётганимга ўн тўққиз йил бўлди. Давлатга ғалла ва пахта сотиш бўйича шартнома мажбуриятларини ошиғи билан бажаряпман. Шартнома – лафз дегани. Лафзи ҳалол одамнинг топгани ҳам ҳалол бўлади. Ҳалол ишлайдиган киши учун юртимизда барча имконият ва шароитлар яратилган.

Фермер хўжалигимизнинг умумий ер майдони 100 гектар. Пахта ва ғалладан гектарига 40-50 центнердан ҳосил оляпмиз. Яхши меҳнат яхши даромад келтиради. Ҳар йили 55-60 миллион сўмгача соф даромад қиламиз. Хўжаликда ҳайдов ва чопиқ тракторлари, умуман, барча техника етарли. Олинган даромаднинг бир қисмини элимизнинг савобли ишларига, қишлоқдошларнинг яхши кунларига, қишлоқни ободлаштиришга йўналтиряпмиз. Бундай савоб ишлар, эзгу амалларда ҳам Юртбошимиздан ибрат оляпмиз. Фермер хўжалигимиз аъзоларининг маоши тайин, рўзғори бут. Буларнинг барчаси мустақиллигимиз шарофати, давлатимиз томонидан яратилган шароит ва имкониятлар, Конституциямизда ҳуқуқларимизнинг мустаҳкамлаб қўйилгани самарасидир.

Нафақага чиққанимдан кейин ҳам қадрдон даламни тарк этганим йўқ. Хўжалик ишларида фарзандларимга қарашаман. Давлатимизнинг ҳимоясида, фарзандлар ардоғида, элнинг иззатида яшаётганимдан беҳад бахтиёрман. Эртанги кунимдан, фарзандларимнинг келажагидан кўнглим тўқ. Президентимиз раҳнамолигида Ватанимиз эришаётган бемисл ютуқлардан, фарзандлар камолидан фахрланиб яшаш – улкан бахт. Юртимизнинг минглаб мулкдор деҳқонлари қаторида халқимиз фаровонлигига ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман.

**Ўнғор ЎРИНБОЕВ,**
**Зарбдор туманидаги «Шодлик» фермер хўжалиги раҳбари,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими.**
(ЎзА)

Эълон

## «TURKISTAN REALTOR GROUP» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Очиқ аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги 1743-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 майдаги 154-сонли қарори ва Қорақалпоғистон Рeспубликаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасининг 2013 йил 14 октябрдаги 166-П,167-П ва 168-П-сонли буйруқларига асосан қуйидаги давлат объектлари қўйилмоқда:

**1.** Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани “Кўна Тўрткўл” ОФЙда жойлашган, умумий ер майдони 3000 $м^2$га, қурилиш ости майдони 941 $м^2$ кв. метрдан иборат Тўрткўл тумани ҳокимиятига тегишли, бошланғич баҳоси - 516 127 400 сўм бўлган “Бойчечак” болалар боғчасининг фойдаланилмай бўш турган эски биноси.

**2.** Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани “Шурохон” ОФЙда жойлашган, умумий ер майдони 5200 $м^2$ га, қурилиш ости майдони 1190 $м^2$дан иборат Тўрткўл тумани ҳокимиятига тегишли, бошланғич баҳоси – 717 035 400 сўм бўлган 17-сонли болалар боғчасининг фойдаланилмай бўш турган эски биноси.

**3.** Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани “Ябашкала” ОФЙда жойлашган, умумий ер майдони 2,0 га, қурилиш ости майдони 1466 $м^2$ кв. дан иборат Тўрткул тумани ҳокимиятига тегишли, бошланғич баҳоси – 326 220 300 сўм бўлган “Узавтостроя” ассосациясидан тугатилган “Асфальт заводи”. (Бездействующего асфальтового завода ликвидированной ассоциация «Узводстрой»).

Аукцион савдоси 2013 йил 28 ноябрь куни соат 11.00 да Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри А.Темур кўчаси 112А-уйда Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси биносининг мажлислар залида бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2013 йилнинг 28 ноябрь кунги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда унинг такрорий савдолари 2013 йилнинг 13 декабрь, 30 декабрь, 2014 йилнинг 15 январь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар:

– юридик шахслар учун - давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– жисмоний шахслар учун - паспорт нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, илова қилинган ишончнома;

– аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар, мулк бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда савдо ташкилотчиси “Turkistan realtor group” МЧЖнинг ОАЖ “Асака банк” Қорақалпоғистон филиалининг МФО 00625, СТИР 302148414, 20208000904946163001 ҳисобрақамига гаров пули тўлайдилар. Гаров пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси илова қилиниши шарт.

Аризалар қабул қилиниши мазкур эълон чоп этилган кундан бошлаб савдо ўтказилиши белгиланган кундан бир кун олдин соат 18:00 гача ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри А.Темур кўчаси 122-уй, 1-хонада қабул қилинади.

Аукцион якунлари, савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади. Савдо ғолиби билан 20 кун ичида олти-сотди шартномаси имзоланади.

Қўшимча маълумотлар: расмий сайтимиз: www.turkistanrg.uz телефон: (8-361) 222-00-80.

***Лицензия: RR-0100.***

Қашқадарё Вилояти

# ҚИШ ТАДОРИГИ БУГУНДАН

*Вилоят иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари, уй-жой фондини қиш мавсумига барқарор тайёрлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.*

Хусусан, таълим тизимида ҳам бу жараёнда ибратли ишлар олиб борилаётир. Шу кунгача 42 та умумтаълим мактаби, 27 та мактабгача таълим муассасасида мукаммал таъмирлаш, шунингдек, 212 та умумтаълим мактаби, 128 та мактабгача таълим муассасаси, 14 та махсус ва ихтисослаштирилган мактаб интернатида жорий таъмирлаш ишлари якунига етказилди. Таълим муассасаларига 19,8 минг тонна кўмир етказиб берилди. Бунинг учун олти миллион сўм маблағ сарфланди.

Ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимида ҳам қиш мавсумига пухта тараддуд кўриб қўйилди. 75 та таълим муассасасидаги 1,8 минг погонометр ички ва ташқи иситиш тизимлари ва 90 та касб-ҳунар коллежининг 2,8 минг квадрат метрлик том қисмлари, 38,4 минг квадрат метр биноларнинг ташқи ва ички қисмлари жорий таъминланди. Таълим муассасаларига 1,6 минг тонна кўмир, 340 тонна ёқилғи етказиб берилди.

Вилоятдаги соғлиқни сақлаш тизимида ҳам дастурга асосан 2 та шифохона мукаммал, 16 та шифохона эса жорий таъмирланди. Кўмир ёқилғиси билан иситиладиган қозонхоналарга кўмир ва суюқ ёнилғи тарқатилди.

Кўп қаватли уй-жойларни ва уларга хизмат кўрсатувчи марказлашган қозон ва қозонхоналарни, совуқ сув билан таъминлаш борасида ҳам бир қатор ишлар бажарилди.

Марказлашган иссиқлик тармоқларини жорий ва капитал таъмирлаш, ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишлари бўйича Қарши шаҳридаги ширкатлар ва бошқарув сервис компаниялари фаолияти тубдан яхшиланди.

Шаҳрисабз туманидаги 2 та уй, яъни Ғафур Ғулом номидаги МФЙ ҳудудида кўп қаватли бино, “Пиллакашлик” МФЙ ҳудудидаги 14 та уй “Қашқадарёпахтасаноат” бирлашмаси ОАЖнинг ҳомийлик маблағлари эвазига мукаммал таъмирланди. Бундан ташқари, Миришкор тумани ва Помуқ шаҳарчасидаги ҳамда Муборак, Қамаши туманларидаги турар-жойларда мукаммал таъмирлаш ишлари уддаланди. Қарши шаҳри ва туманлардаги 91 та



турар-жой жорий таъмирланди.

Иссиқлик тармоқлари, қозонхоналарни таъмираш бўйича ҳам катта кўламдаги ишлар амалга оширилди. 31 та қозонхона мукаммал, 72 та шу турдаги ускуналар жорий таъмирдан чиқарилди. 3,2 километр иссиқлик, тармоқлари жорий таъмирланди. Етти километрлик қувурлар изоляция қилинди.

Бу каби тадбирлар вилоятда қиш мавсумини кўнгилдагидек ўтказиш имконини беради.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Реклама ва эълонлар

**Маҳсулотлар сертификатланган, хизматлар лицензияланган.**

АГРОМАШ

ЧЕТ ЭЛ КОРХОНАСИ МЧЖ «АГРОМАШХОЛДИНГ-ТАШКЕНТ»

ТАКЛИФ ЭТАДИ:



ВТ-150, ВТ-100 ВА ДТ-175 РУСУМЛИ ҲАЙДОВ ТРАКТОРЛАРИ УЧУН ЗАНЖИРЛАР ВА БОШҚА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР.

Тошкент ш., Ниёзбек Йўли кўчаси, 1. Тел.: + 998 71 120 96 00/10;
Факс: +998 71 234 89 88; E-mail: info@chetra-tashkent.ru
Сайт: www.chetra-tashkent.ru

ООО “LECCORNIA TASHKENT” (ИНН 301796694) расположенное в Чиланзарском р-не, по ул. Чупон ота, савдо растаси, 43-сонли дукон зарегистрированное в ИРСП Чиланзарского р-на (12.01.2011 г., № 006552-08) информирует об уменьшение размера уставного фонда с 455 898 712,50 сум до 415 898 712,50 сум (на основании решения учредителей общества № 3 от 25.10.2013 г.).

Утерянный план квартиры расположенной по адресу: г. Ташкент Учтепинский р-н Чиланзар 30-1-30, выданный Чиланзарским БТИ на имя Сангинова Бахтиёра Джураевича, считать недействительным.

Утерянную круглую печать, угловой штамп и банковскую книжку от № 3134326 по 3134350 индивидуального предпринимателя Туляганходжаевой Ферузы Авасхановны (ИНН 600016033), зарегистрированной ИРСП при Хокимияте Чиланзарского р-на, считать недействительными.

Жисмоний шахс Хайруддинов Фарухиддин Фахриддин ўғли номига (02.08.2012 й., реестр № 7-312/2012) расмийлаштирилган Юнусобод т. 13-мавзе А.Дониш кўч. Деҳқон бозори бекати манзилида жойлашган савдо дўкони биноси кадастр ҳужжатлари ва ер участкасига O'Y 446209-сонли, бино иншоотига берилган ТА 1559150-сонли гувоҳномалари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

“Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати” ДУК томонидан “RIXSI-RISOL MEBEL” МЧЖ (ИНН 300484925) номига Шайхонтоҳур т. Ипакчи 258-уй манзилида жойлашган цех биноси учун 04.11.2011 й.да берилган № 4132-сонли (форма 18) маълумотнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО “ASEDEYA-PLAST” (ИНН 301223504) зарегистрированное в Хокимияте Хамзинского р-на (№ 002380-07, 15.09.2009 г.) объявляет о слиянии и реорганизации путём присоединения к ООО “MEGA-KAPITAL PLAST” (ИНН 302247742) зарегистрированное в том же Хокимияте (№ 004709-07, 25.09.2013 г.). Правоприемником по всем правам и обязательствам ООО “ASEDEYA-PLAST” становится ООО “MEGA-KAPITAL-PLAST”. Претензии принимаются в течении 30 дней со дня публикации настоящего объявления по адресу: г. Ташкент, М.Улугбекский р-н, ул. Буюк Ипак йули 160-6, 407 кабинет, тел.: +99890-964-30-95.

Тошкент ш. Шайхонтоҳур т. ҳокимлиги томонидан (18.03.2013 й.да, № 0913709) Адилбабаева Нилуфар Акмаловна номига берилган турғун савдо шохобчасида чакана савдо фаолияти учун берилган тадбиркорлик Гувоҳномаси ва Шайхонтоҳур ДСИ томонидан берилган ҳисобот дафтарчаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО “ALANTIX INDUSTRIAL” (ИНН 301383916) зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Хамзинского р-на № 002585-07 от 24.11.2009 г. расположенное по адресу: ул. Муйнок, д. 135, ликвидируется (протокол собрания учредителей № 5/2013 от 28.10.2013 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по тел.: 150-14-59.

ООО “MEDIA CONNECTED” (ИНН 301823841) зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Яккасарайского р-на г. Ташкента (реестр № 005792-11 от 02.02.2011 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент, ул. У.Носира, д. 46, ликвидируется (решение от 26.10.2013 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня публикации объявления.

Қорақалпоғистон Республикаси

# БАРКАМОЛ ЁШЛАР – ЮРТИМИЗ КЕЛАЖАГИ

**«Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган маънавий-маърифий соҳадаги устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, ёшларни билимли, жисмонан ва маънан етук этиб тарбиялаш борасида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан қатор ишлар олиб борилмоқда.**



*"Ёш сиёсий билимдонлар" клубининг "Жайхун" жамоаси.*

Жумладан, партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ижроия қўмитаси "Ёшлар қаноти" ташаббуси билан Тошкент давлат аграр университети Нукус филиалида "Ёшлар орасида ёт ғоялар ва диний экстремизмга қарши курашиш", Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида "Глобаллашув ва "оммавий маданият"нинг ёшлар онгига салбий таъсири" мавзуларида давра суҳбатлари ташкил қилинди. Мазкур тадбирларда ёшлар онгига мустақилликнинг буюк неъмат эканлигини, миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳиятини чуқурроқ сингдириш, истиқлол берган имкониятларни кенг тарғиб этиш, пировардида, ёшларни маънавий етук инсонлар этиб тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар орасида эрта никоҳ қуришнинг олдини олиш, оилавий муносабатларда юзага келадиган муаммоларни ҳал этишда оила маданиятини шакллантириш борасида ҳам қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида "Ёш оилалар мустаҳкамлигини таъминлашнинг маънавий-ҳуқуқий асослари", Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат Университетида "Мустаҳкам оила – жамиятимизнинг ҳал қилувчи кучидир" мавзуларида мутахассислар иштирокида ўтказилган давра суҳбатларида мана шу масалалар муҳокама этилди. Давра суҳбатларида қайд этилганидек, ёш оилаларни мустаҳкамлаш ва ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам оилани мустаҳкамламай туриб, ҳеч қачон жамият тараққиётига, турмуш фаровонлигига эришиб бўлмайди.

Ёшлар ўртасида экологик маданиятни юксалтириш, улар онгида атроф-муҳитни асрашга қаратилган тушунчаларни шакллантириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Шу боис, ўтказилаётган тадбирларда бу мавзуга ҳам алоҳида урғу берилаётир. Жумладан, бир неча олий ва ўрта махсус ўқув юртларида "Экологик хавфсизликни таъминлаш – миллатнинг соғлиғи ва генофондини ҳимоя қилишнинг бош омили" мавзусида давра суҳбатлари ташкил этилиб, уларда ёшларнинг экологик билимларини юксалтириш, атроф-муҳитнинг мусаффолигини сақлаш, сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида сўз юритилди.

— Қабул қилинган иш режамизга мувофиқ спортни, жумладан, "Ўзбек жанг санъати"ни ривожлантириш борасида қатор тадбирлар ўтказилмоқда, — дейди Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ижроия қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи Емберген Бауетдинов. — Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида "Ўзбек жанг санъати"ни ёшлар орасида татбиқ этишга бағишланган учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилди. Бундан асосий мақсад келажагимиз эгалари бўлган ёшлар орасида спортни оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш орқали гиёҳвандлик ва кашандаликнинг салбий оқибатлари ҳамда ҳар хил ёт ғоя ва оқимлар таъсиридан ёшларни сақлашдан иборат.

Бундан ташқари, "Ёшлар қаноти" қошида ташкил этилган "Ёш сиёсий билимдонлар" клуби ёшларнинг сиёсий етакчилик ва ташкилотчилик қобилиятини ошириш, уларнинг ўз мақсад ва режалари сари интилишларини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Кўплаб фикри теран ёшлар клуб атрофида бирлашмоқда. Бунинг исботини клуб аъзоларидан иборат "Жайхун" жамоасининг "Ёшлар қаноти" ташаббуси билан ўтказилган "Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ёшлар нигоҳида" кўрик-танловининг мамлакат босқичида биринчи ўринни эгаллаганлигида ҳам кўришимиз мумкин.

Яна бир эътиборли жиҳати, айни кунларда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан пахта йиғим-теримида иштирок этаётган ёшлар билан учрашувлар ташкил этиб келинмоқда. Амударё, Тўрткўл ва Қонликул туманларида ўтказилган ана шундай учрашувларда маданий-маърифий тадбирлар билан бирга, ёшларга партиянинг сайловолди платформаси ва дастуридан келиб чиқадиган вазифалари ҳақида ҳам маълумот берилди. Илғор теримчиларга эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

Қисқача айтганда, партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан юртимиз ёшларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилаётган хайрли ишлар эзгулик ва тараққиётга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**




ОҒИР АТЛЕТИКА

## РУСЛАН — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

**Польшанинг Вроцлав шаҳрида ўтказилган оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари учта олтин ва биттадан кумуш ҳамда бронза медалларига сазовор бўлиб, умумжамоа ҳисобида тўртинчи ўринни эгаллади.**



Терма жамоамиз ҳисобига учта олтин медални вазни 105 кг.гача бўлган спортчилар мусобақасида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Руслан Нуриддинов келтирди ва ўзбекистонлик оғир атлетикачилар орасида биринчи бўлиб жаҳон чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди.

Руслан даст кўтаришда 190 килограмм, силтаб кўтаришда 235 килограмм, икки кураш якунига кўра жами 425 кг. натижа қайд этиб, уч маротаба шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Эътиборлиси умумий ҳисобда спортчимиз энг яқин таъқибчиси россиялик жаҳон рекордчиси (силтаб кўтаришда 238 кг.) Давид Беджанянни 20 килограммга ортда қолдирди. Польшалик Бонк эса рус атлетидан атиги 1 килограммга ортда қолиб, учинчи бўлди.

Оғирлик вазни 77 кг.гача бўлган оғир атлетикачилар баҳсида иштирок этган яна бир ҳамюртимиз Улуғбек Алимов эса кумуш ҳамда бронза медаллари билан тақдирланди. Бундан ташқари, яна тўрт нафар ҳамюртларимиз, Маҳлиё Тоғаева (-48 кг.), Марина Сисоева (-53 кг.), Манзурахон Мамасолиева (-69 кг.) ва Руслан Макаров (62 кг.) ўз вазнларида кучли ўнталикдан ўрин олишди.

ТЕННИС

## ДЎСТОВ — «ЧЕЛЛЕНЖЕР» ТУРНИРИ ҒОЛИБИ

**Ўзбекистоннинг "иккинчи ракеткаси" ҳисобланмиш Фаррух Дўстов Қозон шаҳрида бўлиб ўтган "Челленжер" туркумидаги турнирнинг жуфтлик баҳсларида муваффақиятга эришди.**



Молдовалик Раду Альбот билан тандем ҳосил қилган ҳамюртимиз финалда беларуслик Егор Герасимов ҳамда Дмитрий Жирмонт жуфтлигини 6:2, 7:6 (3), 10:7 ҳисобида енгишга муваффақ бўлишди.

Фаррух, шунингдек, ушбу турнирнинг яккалик баҳсларида ҳам яхши қатнашиб, иштирокини ярим финалга қадар давом эттирди. Ушбу босқичда украиналик Александр Недовесовга 5:7, 2:6 ҳисобида имкониятни бой берди.

**Азиз НУРУЛЛАЕВ**

ФУТБОЛ

## «СЕВИНЧ» — МАМЛАКАТНИНГ ТЎҚҚИЗ КАРРА ЧЕМПИОНИ

**Аёллар ўртасидаги футбол бўйича Олий лига жамоалари мусобақаси охирлаб, барча совринли ўринлар учун даъвогар бўлган жамоалар номи деярли аниқ бўлди. Жумладан, Қаршининг "Севинч" жамоаси муддатидан олдин, 18-турдан кейиноқ чемпионликни тантана қилишган эди.**



"Севинч" жамоаси 20-тур доирасида "Қизилқум" жамоаси билан сафарда кечган баҳсда бешта жавобсиз тўп киритиб, жами очколари сонини 52 тага етказиб олишди. Қашқадарё вилояти жамоаси чемпионат давомида атиги бир ўйинда дурранг натижани қайд этишган. Қолган барча учрашувларда ғалаба қозонишган. Жамоа ҳужумчиси Зебо Жўраева 34 та гол билан мусобақа тўпурари бўлиб турибди.

Ушбу турда шунингдек, совринли ўринлар учун даъвогар кейинги икки жамоа — "Андижанка" ва "Металлург" ўзаро баҳслашди. Учрашувда ҳисоб очилмади — 0:0. Ҳозирда иккинчи поғонани эгаллаб турган Андижон вилояти жамоасида 41, учинчи ўриндаги бекободликларда 35 очко мавжуд. 20-турда "Машъал"ни 1:0 ҳисобида енгиб, тўртинчи поғонадан "суриб" юборган "Шўртан — Lady" спортчи қизлари уларнинг энг яқин таъқибчиси бўлиб, 31 очко тўплашга муваффақ бўлишган.

**Ҳусан ТЕМИРОВ**

Навоий Вилояти

## ЭЛМИРАНИНГ ИШЛАРИ ЭЛГА МАНЗУР

**Навбаҳорлик Элмира Тоирова тумандаги енгил саноат коллежини битиргач, тадбиркорлик йўлини танлади. «Севара Элмира келажаги» оилавий корхонасини ташкил этди. «Асака» банкнинг Навоий филиалидан олинган 17,5 миллион сўм кредит ҳисобига 10 та замонавий тикув машинасини сотиб олди.**

– Янги услубдаги кийимлар яратишга жуда қизиқаман, – дейди корхона ишчиси Самия Ҳабибова. – Ишим ўзимга ёқади. Жамоамиз асосан ёшлардан иборат. Ишимиз жуда қизиқарли бўлибгина қолмай шундоққина қишлоғимизнинг ўзида.

Корхонанинг биринчи буюртмачиси тумандаги 23-умумтаълим мактаби бўлди. Чеварлар мактабнинг ўқувчи қизларига махсус либослар тикиб беришди. Янги қурилган 19-мактабнинг синфхоналаридаги бежирим пардаларни ҳам улар тайёрлашган. Айни пайтда эса болалар кийим-кечаклари тайёрланиб, маҳаллий тадбиркорлар орқали сотувга чиқарилмоқда.

– Келажакда савдо дўконини очишни ҳам режалаштирганмиз, – дейди Элмира Тоирова. – Ҳозирда 8 киши ишлаётган корхонамизни келгусида янада кенгайтириб, иш ўрнини 50 тага етказамиз.

**Абдурасул САТТОРОВ**

○ Реклама ва эълонлар










ЧП "BUSINESS QUEEN" (ИНН 205546735) Чиланзарского р-на сообщает об изменении формы собственности и реорганизации в ООО "BUSINESS QUEEN" с переходом всех прав и обязательств. ЧП "BUSINESS QUEEN" к ООО "BUSINESS QUEEN". Тел.: 501-30-51.

Тошкент ш. Ҳамза т. ТСРЎИ томонидан (реестр № 004698-07, 19.09.2013 й.) Ҳамза т. Бойқўрғон кўч. 11/3-уй, 219+220 хонадонлар манзили бўйича рўйхатга олинган "FOTIMA PLYUS ZUXRA" МЧЖ (СТИР 302710863) тугатилади. Давлат рўйхатидан ўтган кундан шу кунгача молия-хўжалик фаолият юритмаган (ўз-ўзини тугатиш тўғрисидаги 25.10.2013 й.даги 1-сонли қарор). Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда 572-16-39 тел. рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент ш. Ҳамза т. ТСРЎИ томонидан (реестр № 004226-07, 25.07.2013 й.) қайта рўйхатга олинган "BROADVAY ESTATES" МЧЖнинг устав жамғармаси 62 540 841 сўм 58 тийиндан 4 540 841 сўм 58 тийингача камаяди.

Тошкент ш. Учтепа т. Ўрикзор мавзеси Дилрабо кўч. 21-хонадонда истиқомат қилувчи Жўраев Алишер Зикриллаевичга тегишли уй-жой кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. Даъволар (+99890) 355-53-63 тел. орқали қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида (17.09.2007 й., реестр № 780) рўйхатдан ўтган МЧЖ "PLATINUM INVEST" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасига (ИНН 300567758) тегишли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Шайхонтоҳур т. ТСРЎИда рўйхатдан ўтган "SHONIYAT BARAKA" хусусий корхонаси масъулияти чекланган жамиятига айлантирилади.










Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР:
**Қабулхона** — 236-26-50, **Котибият** — 233-95-17, **Аграр масалалари бўлими** — 233-76-78, **Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими** — 236-26-49, **Маънавият ва маърифат бўлими** — 236-26-35, **Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими** — 233-44-43, **Факс** — 233-44-43, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
**Қорақалпоғистон Республикаси** – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: **Андижон** – (+99893) 630-73-03; **Бухоро** – (+99891) 401-29-59; **Жиззах** – (+99890) 297-44-09; **Навоий** – (+99891) 537-14-36; **Наманган** – (+99890) 278-95-87; **Фарғона** – (+99890) 407-76-03; **Самарқанд** – (+99891) 537-24-95; **Сирдарё** – (+99894) 168-23-60; **Сурхондарё** – (+99890) 519-86-50; **Тошкент** – (+99890) 976-39-58; **Хоразм** – (+99890) 438-71-25; **Қашқадарё** – (+99891) 635-08-03.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.

Навбатчи муҳаррир: А.НУРУЛЛАЕВ
Мусаҳҳиҳ: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: М.БОБОМУҲАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-1014, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.40
15573 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

E-mail: info@qishloqhayoti.uz

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5